

Ishonch

2019 йил 19 декабрь • пайшанба • № 153 (4282)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон – Япония:

САВДО-ИҚТИСОДИЙ, ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА ЯНГИ САҲИФА

Давлатимиз раҳбари Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири Таро Асо, парламентдаги «Ўзбекистон – Япония» дўстлик лигаси фаоллари ҳамда Кунчиқар мамлакатнинг етакчи компаниялари ва банклари вакиллари билан учрашувлар ўтказди

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан 17 декабрь куни расмий ташриф билан Нагоя шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарининг Японияга ташрифи дастури 18 декабрь куни тонгда Аичи префектураси губернатори Хидэки Омура билан учрашувдан бошланди.

Аичи префектураси Япониянинг марказий қисмида, Тобу вилоятида жойлашган. Префектуранинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 375,3 миллиард доллар бўлиб, Токиодан кейин иккинчи ўринда туради. Автомобилсозлик, аэрокосмик sanoat, керамика буюмлари ишлаб чиқариш, металлургия, қишлоқ хўжалиги худуд иқтисодиётининг асосий тармоқлари ҳисобланади.

Аичи sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Японияда етакчи. Худудда «Toyota» корпорацияси, шунингдек, автомобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган кўплаб заводлар (кластерлар) қароргоҳлари

ва ишлаб чиқариш қувватлари жойлашган. Шунингдек, бу ерда Япониянинг Toyota Motor Corporation, DENSO, Panasonic Ecosystems, Mitsubishi Aircraft Corporation, Brother Industry, Aichi Steel, Makita, Rinnai, INAX, Kagome, Daido Metal Industry, Asahi Beer сингари йирик компаниялари фаолият кўрсатади.

Транспорт қисмлари, технологик ускуналар, чўян ва пўлат, каучук ва пластмасса ишлаб чиқариш бўйича ҳам префектуранинг салоҳияти юқори.

Тобу вилояти самолёт ва улар учун эҳтиёт қисмларнинг 50 фоизини ишлаб чиқарадиган Япониянинг аэрокосмик технологиялар тайёрлайдиган йирик маркази ҳамдир. Аичи префектураси sanoat роботлари етказиб бериш, уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва соҳада фаолият юритувчи мухтаassisлар сони бўйича Кунчиқар мамлакатда биринчи ўринда туради.

2018 йилда худуднинг ташқи савдо айланмаси 226,5 миллиард долларни ташкил этган. АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи давлатлари, Корея Республикаси унинг

асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланади. Ўзбекистон учун Япониянинг ушбу маъмурий худуди билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ҳар томонлама манфаатлидир.

Учрашувда мамлакатимиз билан Аичи префектураси ўртасида таълим ва маданият соҳасида самарали мулоқотлар йўлга қўйилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Инновациялар, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва қўшма агрокластерлар ташкил этиш, туризм, академик алмашинув соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва аниқ лойиҳаларни илгари суриш учун имкониятлар мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон томонидан префектуранинг шериги этиб Тошкент вилояти белгиланди. Ўзаро ташрифларни ташкил қилиш ва Аичидан авиақатновларни йўлга қўйиш масаласини кўриб чиқишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нагоя шаҳри мэри Такаси Кавамура билан учрашув ўтказди.

Нагоя Япониянинг илм-фан ва sanoat тараққий этган йирик маркази бўлиб, ялпи ички маҳсулоти 117 миллиард доллардан ошади. Бу аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 52 минг долларга тенг. Машинасозлик, металлургия, кимё, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, енгил sanoat худуднинг асосий sanoat тармоқлари ҳисобланади. Япониянинг энг йирик портларидан бўлган Нагоядан йилга 110 миллион тоннадан зиёд юк ташланади.

Музокарада Нагоя мэрияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи натижасида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Пойтахтимиз Тошкентда Нагоя юқори технологиялар паркни ташкил этиш, иқтисодиёт, sanoat, транспорт, таълим, туризм ва бошқа устувор йўналишларда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш шулар жумласидан.

2020 йилга мўлжалланган қўшма тадбирлар «йўл харитаси»ни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияга расмий ташрифининг биринчи куни Нагоя университетиде бўлиб, у ерда профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан учрашди.

Дунёга машхур ушбу олий ўқув юртида давлатимиз раҳбарининг университет фахрий доктори унвони билан тақдирлашига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Куйида Президентимизнинг учрашув чоғида сўзлаган нутқи эълон қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИДАГИ УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Мацуо жаноблари! Хурматли профессорлар ва талабалар, университет жамоаси!

Хонимлар ва жаноблар! Аввало, Нагоя университети президентининг самимий дил сўзлари ва эзгу тилаклари учун чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Ўйлайманки, менинг Президент сифатида мамлакатингизга илк ташрифим ҳақида билдирилган фикрлар, мана шундай эътибор, бир-биримизга хурмат, илиқ муносабат ҳақиқатан ҳам Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустақкамлаш, келгусида катта натижаларга эришиш йўлида ишончли замин яратади.

Биз Нагоя университетини дунёдаги энг нуфузли илм-фан ва таълим масканларидан бири сифатида эътироф этамиз.

Нобель мукофоти совриндорлари Режи Ноёри, Осаму Симомура, Макото Кобаяси, Тосихиде Маскава, Исаму Акасаки, Хироси Аmano ва бошқа машхур олимларни етиштириб берган ушбу университетнинг фахрий доктори деган юксак сарафга муносиб кўрилганимдан гоёта хурсандман.

Бу унвонни мен аввало Ўзбекистон халқига кўрсатилган эҳтиром ифодаси, деб қабул қиламан ва бунинг учун Нагоя университети раҳбариятига, унинг илмий жамоасига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Мен Нагоя университети фахрий доктори сифатида Ўзбекистонда унинг улкан илмий салоҳияти ва ютуқларини кенг тарғиб ва ташвиқ қилишига, таъбир жоиз бўлса, ушбу университетнинг ишончли вакили сифатида иш олиб боришга ҳаракат қиламан.

Бутун жаҳонга машхур Нагоя шаҳри ҳақида халқ орасида шундай ибора бор экан: «Нагоя қалъаси бўлмаганида Нагоя шаҳри ҳам бўлмас эди».

Мен бунга қўшимча қилиб: «Нагоя университетисиз Нагоя шаҳрини ҳам тасаввур этиб бўлмайди», деган бўлардим.

Маълумки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихга эга. Япониянинг машхур Нара шаҳри музейида сўд ёзувида битилган ёдгорликлар борлиги бунга яққол тасдиқлайди.

Япон археологи, марҳум профессор Като томонидан Кушон подшоҳлигининг дастлабки пойтахти бўлган Ўзбекистондаги Далварзентепадан топилган будда ибодатхонаси ва қирққа яқин ҳайкаллар япон ва жаҳон илмий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Шу ўринда ўзбек ва япон халқларини ўшаш миллий ва ахлоқий қадриятлар билан бирга илм-фан ва тафаккурга, камолотга доимо интилиб яшаш

каби эзгу қадриятлар бирлаштириб туришини эътироф этмоқчиман.

Бизнинг улғу боболаримиз – алгебра фани ва «Алгоритм» тушунчасининг асосчиси Ал-Хоразмий, Ернинг айланаси узунлиги ва радиусини илк бор ҳисоблаб чиққан Ал-Беруний, тарихда Авиценна номи билан машхур бўлган, жаҳон тиббиёт фани ривожига улкан ҳисса қўшган Ибн Сино, ноёб расадхона ва 1018 та юлдузнинг жойлашуви аниқ акс эттирилган астрономик жадвал яратган Мирзо Улughбек каби буюк ўзбек олимларининг илмий меросини, ўйлайманки, сизлар яхши биласизлар.

Қадрли дўстлар! Биз Ўзбекистонда бундан уч йил аввал миллий тараққиётимизнинг янги Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Жамият ҳаётида ҳар томонлама очиқлик ва эркинликни таъминлаш, мамлакатни модернизация қилишга асосланган ушбу Стратегия доирасида беш устувор йўналишда исчилоҳотида амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда энг ривожланган давлатларнинг, хусусан, илғор япон тажрибасидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Чунки Япония бизнинг вақт синовидадан ўтган, ўзаро ишонч ва хурмат тамойилларига асосланган стратегик шеригимиздир.

Биз ушбу ташрифни ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлигини тарихида бошланаётган мулақоат янги даврнинг ўзига хос ифодаси деб биламиз.

Япония Ўзбекистонни халқаро майдонда доимий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Айни пайтда иқтисодиётимизни ривожлантириш, устувор ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг 5 мингдан зиёд ёшларимиз Япония университетларини тамомлаб, ўз билим ва тажрибаларини Ватанимиз равақига учун сафарбар этаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Мен кўп йиллар олий таълим тизимида ишлаган инсон сифатида бу соҳанинг шарафли, шу билан бирга нақадар маънавиятли ва масъулиятли эканини яхши биламан.

Биз бугун учрашиб турган Нагоя университети билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги 20 йилдан зиёд тарихга эга. Сизнинг университетингиз 2010 йилда Тошкент шаҳрида ўз ваколатхонасини очганини биз юксак баҳолаймиз. Ҳозирга қадар мазкур даргоҳда 400 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчилар таҳсил олгани айниқса қувонарлидир.

2

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ОЧИҚДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияга расмий ташрифи доирасида ушбу мамлакатда чоп этиладиган «Nikkei» газетасига интервью берди.

1876 йилда асос солинган, дунёдаги йирик молиявий нашрлардан бири бўлган ушбу газета 3 миллиондан зиёд нусхада чоп этилади. Куйида ушбу интервьюнинг таржимаси берилмоқда.

– Муҳтарам Президент Жаноблари, Сиз Япония билан икки томонлама муносабатлар, айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини қандай баҳолайсиз?

– Япония Ўзбекистон учун доимо вақт синовидан ўтган, ишончли ва стратегик шерик бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Япония ҳукуматининг кўмагида, «Ривожланиш учун расмий ёрдам» дастури доирасида мамлакатимизда қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик лойиҳалар

амалга оширилди. Иқтисодий ҳамкорлигимизнинг асосий соҳалари – бу электр энергетикаси, нефть-газ, нефть-кимё ва кимё тармоқлари, машинасозлик ва туризм ҳисобланади.

Ишонч билан, бўлажак Ўзбекистон – Япония саммити доирасида эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги даврни бошлаб, шериклик алоқаларимизнинг янги йўналишларини белгилаб беради.

– Японияга ташрифингиз доирасида қандай икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган?

– Ташриф давомида Япония етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини назарда тутадиган бир қатор шартномаларни имзоланиши режалаштирилган.

Амалга оширилиши белгиланган қўшма инвестициявий лойиҳаларнинг умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёдни ташкил этади.

Йирик ва муҳим аҳамиятга молик лойиҳалар орасида қиймати қарийб 2 миллиард доллар бўлган Навой иссиқлик электр станциясининг учинчи ва тўртинчи буғ-газ қурилмасини қуриш бўйича ишлар давомида эришилган алоҳида таъкидлашни истардим. Яна бир муҳим лойиҳа (қиймати 200 миллион доллар) мева-саб-

завотчиликни ривожлантириш, Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган замонавий қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этишга қаратилган.

– Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий салоҳияти ва жозибдор жиҳатларини нималарда кўрасиз?

– Ўзбекистонда сўнгги йилларда инвестиция муҳитининг яхшиланиши натижасида хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар сони 2 баробарга ортди. Бугунги кунда уларнинг сони 10 мингга ташкил этмоқда.

Биз бу йил хорижий инвестицияларни уч баробар кўп, яъни 7 миллиард доллардан кам бўлмаган миқдорда ўзлаштиришни мўлжаллаб турибмиз.

3

Давра сўхбати

Меҳнат муносабатлари муҳокамаси



Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясида «Меҳнат муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамаси, Қасаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2017-2019 йилларга мўлжалланган Бош келишувга мувофиқ ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчи палатаси депутатлари ва сенаторлар, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, Марказий банк, Бош прокуратура, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Махалла» хайрия жамоат фонди, Қасаба уюшмалари Федерацияси, унга аъзо ташкилотлар илмий муассасалар

ва бошқа бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Давра сўхбатида жорий йилда барча жабҳалар қаторида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳам кўплаб муҳим ўзгаришлар рўй бергани қайд этилди. Меҳнат муносабатлари ва қасаба уюшмалари фаолиятини тартибга солишдаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди.

Хусусан, жорий йилнинг 30 ноябрида Олий Мажлис Сенатиде Ўзбекистон Республикасининг «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуни маъқуллангани ва Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 6 декабрда ушбу қонуннинг имзоланиши тизимида янги тарихий даврни бошлаб бергани алоҳида эътироф этилди.

3



«Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» (Президентнинг 2019 йил 21 майдаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5723-сонли) Фармони имзоланди.

uza.uz

Жорий йил 18 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Туркий тилли мамлакатлар Парламент Ассамблеясининг тўққизинчи ялпи мажлиси ишида қатнашди.

senat.uz

«Тошкент шаҳридаги Ёдгу техника институти фаолиятини ташкил этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

uza.uz

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашуви якуний қўшма баёноти БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

uza.uz

Марказий сайлов комиссиясида Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосари Алан Дункан билан учрашув ўтказилди.

uza.uz

2019 йил 17 декабрь куни Покистоннинг энг оммабоп кундалик нашрларидан бири «Daily Ittehad» газетаси Ўзбекистондаги парламент сайловларига бағишлаб махсус сон чоп этди.

uza.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИДАГИ УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

41 Бугунги учрашувимизда Японияда ўқитган кўпга ёшларимизни кўриб турганимдан хурсандман. Сизлар ўз истеъдод ва салоҳиятигини намоён этишингиз учун Ўзбекистонда барча шароит ва имкониятларни яратиб берамиз. Мен ҳозир сизларни кўриб, юзингиздаги, чеҳрангиздаги ўзингизга бўлган ишончингизни ҳис қилиб хурсанд бўлиб ўтирибман. Сизларга қараб, барчангиз чиндан ҳам жонажон Ватанимизга муносиб ўғил-қизлар бўлишингизга ишонч ҳосил қилдим. Энг катта вазифингиз – вақтингизни бекор ўтказмасдан, аъло ўқиш, юқори технологияларни чуқур эгаллаш. Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдан иборатдир. Шу йўлда барчангизга янги ютуқ, бахт ва омадлар тилайман.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!
Глобаллашув даврида жаҳоннинг кўпгина тараққиётини давллатлари «ахборот жамияти», «биллимир иқтисодиёти», «рақамли иқтисодиёт» йўлини танлаганига гувоҳимиз.

Замонавий дунёда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар ва барқарор тараққиётнинг фундаментал асосини ташкил қилмоқда.

Бундан арим аср муқаддам пухта ўйланган, тараққиётнинг илм-фанга асосланган «япон модели» туфайли мамлакатингиз бугун барча соҳаларда етакчи давлатлардан бирига айланган.

Япония фани сунъий интеллект, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, робототехника, космик тадқиқотлар, ядровий тиббиёт, «яшил энергетика» йўналишларидаги илмий изланишлар борасида оламшумул ютуқларга эришмоқда. Хусусан, мамлакатингиздан 28 нафар Нобель мукофоти совриндори этиштиб чиққан ҳам бу фикрнинг ёрқин исботидир.

Хурматли дўстлар!
Биз замонавий тараққиётнинг калити айнан илм-фан ва таълимда эканини чуқур англаб, инсон капиталига инвестиция киритишни давлат сиёсати даражасига кўтардик.

Ўтган йили Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш Стратегиясини қабул қилдик. Биз инновацион соҳасидаги илғор мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Бугунги кунда 33 миллионли юртимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Креатив фикрлайдиган, фаннинг муайян соҳасида чуқур билимга эга, юқори интеллектуал салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш устувор мақсадимиз ҳисобланади.

Бунга эришиш учун охириги уч йилда 36 та янги олий ўқув юртлири ташкил этилиб, институт ва университетларимиз сони 116 тага етказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШ, Буюк Британия, Россия, Италия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур ва бошқа давлатлар етакчи олий ўқув юртлирининг 22 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

Давлат кўмагида жаҳоннинг илғор илмий ва таълим марказларида етуқ мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими асосда йўлга қўйилди. Бу жараёнларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖАЙКА) фаолиятини миннатдорлик билан эътироф этишни истар эдим.

Япония ҳукуматининг ташаббуси – «Глобал-30» дастури бўйича Нагоя университетининг Марказий Осиё мамлакатлари учун масъул этиб белгилангани ғоятда самарали бўлмоқда.

Биз Нагоя университетининг президенти, хурматли Мацуо жанобларининг юртимизга бир неча марта ташриф буюриб, илмий ҳамкорлигимизни ривожлантириш борасида қилаётган катта хизматларини алоҳида қадрлаймиз. Айнқиса, у кишининг ўтган йили Нобель мукофоти совриндори, профессор Ноёри жаноблари билан биргаликда Ўзбекистонга ташриф мамлакатимиз илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Хабарингиз бор, Нагоя университетининг мухтарам президенти Мацуо жанобларининг Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътиборга олиб, яқинда Тошкент давлат техника университетининг илмий кенгаши у кишини ушбу университетнинг фахрий ректори этиб сайладим.

Хурматли анжуман иштирокчилари!
Япониянинг «Кадрлар тайёрлаш» дастури доирасида мамлакатимизнинг 300 дан зиёд ёшлари юртингизда магистрик ва докторлик илмий даражаларини олишга эришдилар. Ўзбекистон – Япония ёшлар инновация маркази орқали ҳам ўнлаб йигит-қизларимиз япон университетларида малака оширмоқдалар.

Мухтарам дўстлар!
Албатта, Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигида амалга оширилган ишларимиз эътирофга сазовор. Айна вақтда ҳали бу борада ишга солинмаган имкониятларимиз ҳам борлигини таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан айрим тақлифларни билдиришга ижозат этгайсиз.

Биринчидан, Нагоя университетининг ташаб-

буси билан мунтазам ўтказиб келинаётган Япония – Ўзбекистон университетлари ректорлари анъанавий конференцияси илмий ҳаётимизда катта роль ўйнамоқда. Биз ушбу ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида илмий-академик алмашувлар ва технологиялар трансфери бўйича Ўзбек-Япон қўшма фондини ташкил этишни тақлиф этамиз.

Мазкур фонд ўзаро илмий тадқиқотларни, икки мамлакат ёш олимларининг биргаликдаги илмий изланишларини молиялаштириш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашуви бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ушбу фонд фаолияти Ўзбекистонда айна шундай йўналишда иш олиб бораётган «Эл-юрт умиди» фондининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Дастлабки қадамлар сифатида биз ҳар йили Нагоя университетининг 15 нафар профессор-ўқитувчисини Ўзбекистонда азиз меҳмонлар сифатида қабул қилишга тайёр эканимизни билдираман.

Улар ўз фан йўналишлари бўйича мамлакатимиз олий ўқув юртлирида маърузалар ўқиб, амалий машғулотлар, маҳорат дарслари ўтказиб берсалар, биз ниҳоятда миннатдор бўлардик. Айна вақтда ана шундай алмашувлар дастури асосида ҳар йили мамлакатингизнинг 50 нафар талаба-ёшларини 15 кун давомида Ўзбекистоннинг тегишли олий ўқув юртлирида кутиб олишга тайёрмиз. Ўйлайманки, мана шу 50 нафар талабанинг 50-60 фоизи Нагоя университети талабалари бўлса, айни мудоаа бўлар эди.

Ишончим комил, бундай лойиҳалар икки томонлама муносабатларни юқори босқичга кўтаришга катта ҳисса қўшади. Нега деганда, ёшларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкам бўлса, дўстлик ва ҳамкорлигимиз албатта самарали ва бардавом бўлади.

Иккинчидан, Нагоя университети ва Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамкорлигида мамлакатимиз Фанлар академияси қошида нанотехнологиялар асосида янги материаллар яратиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишни тақлиф этаман.

Учинчидан, ўзбек-япон археологлари билан биргаликда юртимиз ҳудудида жойлашган буддавийлик тарихи ва маданиятга оид археологик ёдгорликларни илмий ўрганиш ишларини давом эттиришимиз зарур. Биз бу борада япониялик дўстларимиз билан бирга, Термиз давлат университети қошида Ўзбек-Япон илмий марказини ташкил этишдан манфаатдоримиз.

Хурматли учрашув қатнашчилари!
Биз яқинда Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонасида илм-фан ва инновациялар бўйича маслаҳатчи-вакил лавозимини жорий этдик. Нега десангиз, мен бу учрашувдан олдин хурматли президенти Мацуо бошчилигидаги бутун илмий жамоа, Нобель мукофоти лауреатлари, проректорлар, профессорлар билан кўришганимда кўп-кўп масалаларни амалга ошириш бўйича бизнинг маслаҳатчи-вакилимиз Нагоя университети билан бевосита шуғулланади. Айтиш мумкинки, у Ўзбекистон Президентининг Нагоя университетидаги ишончли вакили бўлади.

Вақт ўтади, бугунги тарихий учрашувимиз натижалари икки олий ўқув юрти – Нагоя университети ва Тошкент давлат техника университетининг ўртасидаги алоқаларга, энг асосийси, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларимизга катта ижобий таъсирини кўрсатади, деб ишонаман.

Мухтарам дўстлар!
Ўзбек халқи Япониянинг қадимий тарихи ва бой маданиятига катта ҳурмат ва қизиқиш билан қарайди. Бунинг амалий тасдиғи сифатида яқинда мамлакатимизда «Япония конституцияси», «Япон шеърини гулдастаси», «Марказий Осиё маданий мероси Япония тўпламларида», «Ўзбекистон япониялик қалбида» каби бир қанча китоб ва альбомлар ўзбек ва япон тилларида чоп этилди.

Ижозатингиз билан, ушбу наشرларни Нагоя университети кутубхонасига тақдим этмоқчиман. Ўйлайманки, мана шу китоблар сизнинг кутубхонангиздан жой олиб, ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бугунги ҳамкорлигимиз, бугунги билдирилган фикрлар, катта-катта тақлифларнинг натижаси сифатида икки-уч йилдан кейин таржима қиладиган китобларимиз янада кўпаяди, деб истақ билдираман.

Мен боя учрашув пайтида хурматли Мацуо жанобларига айтдим: «Энди сизнинг жамоангиз фақат Нагояда эмас, балки Тошкентда ҳам катта илмий жамоа ҳисобланади, ўзбек олимлари, талабалари сизни ректор сифатида кутади», деб у кишини Ўзбекистонга ташриф буюришга тақлиф қилдим.

Мухтарам президент Мацуо жаноблари!
Хурматли университет илмий жамоаси!
Сўзимнинг якунида менга ва халқимизга кўрсатган юксак ҳурмат ва эътиромингиз учун ўз номидан, делегациямиз номидан яна бир бор миннатдорчилик билдириб, барчангизни Ўзбекистонга тақлиф этаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон – Япония: САВДО-ИҚТИСОДИЙ, ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА ЯНГИ САҲИФА

41 Учрашув сўнггида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Нагоя мэрияси ўртасида шериклик тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи доирасидаги навбатдаги муҳим манзил Нагоя университети бўлди.

Нагоя университети дунёдаги энг нуфузли илм-фан ва таълим масканларидан, қитъадаги ўнта энг намунали олий таълим даргоҳларидан биридир. Мазкур университетда дунёга машҳур кўпга олимлар таълим олган ва меҳнат қилмоқда, бу ердан физика ва кимё фанлари бўйича олти нафар Нобель мукофоти совриндори этиштиб чиққан. Бугунги кунда университетда 16 мингдан зиёд талаба тахсил олади. Шундан 2,6 минг нафари хорижий мамлакатлар, 30 нафардан ортиги Ўзбекистон ёшларидир. Ҳозирги кунга қадар мазкур университетда 400 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчи таълим олган.

2010 йилда Тошкентда Нагоя университетининг ваколатхонаси очилган эди. МДҲдаги ягона мазкур ваколатхона мамлакатларимиз олий ўқув юртлири учун таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида кўприк вазифини ўтамоқда. Бевосита университет иштирокида икки мамлакатда мунтазам ўтказилаётган Ўзбекистон – Япония талабалар академик форуми ва олий ўқув юртлири ректорларининг анъанавий конференциялари илмий ҳаётимизда катта роль ўйнамоқда.

Давлатимиз раҳбари университет фаолияти билан танишиб, унинг президенти Сейичи Мацуо билан учрашди. Учрашувда бир неча Нобель мукофоти совриндорлари ва бошқа олимлар иштирок этди.

– Сизнинг юртимизга илмий ҳамкорлигимизни ривожлантириш борасида қилаётган катта хизматларингизни алоҳида қадрлаймиз. Айнқиса, ўтган йили Нобель мукофоти совриндори, профессор Рёжи Ноёри жаноблари билан биргаликда Ўзбекистонга ташрифингиз мамлакатимиз илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Сейичи Мацуонинг Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътиборга олиб, яқинда Тошкент давлат техника университетининг илмий кенгаши уни университетнинг фахрий ректори этиб сайлади. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан профессор Ноёрига фахрий академик унвони берилди.

Учрашувда Президентимиз Сейичи Мацуо ва Рёжи Ноёрини ушбу унвонлар билан табриклади.

Академик алмашинувларни фаолаштириш ҳамда ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма илмий тадқиқотлар амалга оширишга келишиб олинди.

Нагоя университетининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга фахрий доктор унвонини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда университет раҳбарияти, профессор ва ўқитувчилари, талабалари ҳамда Нобель мукофоти совриндорлари, Японияда тахсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар иштирок этди. Давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда илм-фан ва академик алмашинувларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун, шунингдек, Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган иқтисодиётни либераллаштириш ва барқарор тараққиётга эришиш борасидаги ислохотлар эътирофи сифатида Нагоя университетининг илмий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга университет фахрий доктори унвонини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Маросимда Нагоя университети президенти Сейичи Мацуо сўзга чиқиб, Ўзбекистон раҳбари икки мамлакат ўртасида илм-фан соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётгани, ушбу қарор томонларнинг таълим соҳасидаги узоқ муддатли ва истиқболли ҳамкорликни янада кенгайтиришга бўлган интилиши ифодаси эканини таъкидлади.

Президентимиз замонавий тараққи-

ётнинг калити илм-фан ва таълимда эканини чуқур англаб, инсон капиталига инвестиция киритишни давлат сиёсати даражасига кўтарди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим соҳаси тубдан ислох қилинмоқда. Ўзбекистоннинг эртанги кунни замонавий кадрларга боғлиқ эканини инобатга олган ҳолда, мактабга таълим, умумий таълим ва олий таълим тизими мазмунан ва сифат жиҳатидан янгилашмоқда.

Мамлакатимизда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар яратди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ўзбек ва япон халқларини ўхшаш миллий ва ахлоқий қадриятлари билан бирга, илм-фан ва тафаккурга, камолотга доимо интилиб яшаш каби эзгу фазилатлар бирлаштириб туришини таъкидлади. Замонавий дунёда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар жадал ва барқарор тараққиётнинг фундаментал асосини ташкил қилаётганини қайд этди.

– Бу унвонни, мен аввало Ўзбекистон халқига кўрсатилган эътиром ифодаси, деб қабул қиламан ва бунинг учун Нагоя университети раҳбариятига, унинг илмий жамоасига чуқур миннатдорлик билдираман, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Ўзбекистон таълим ва фан соҳаларидаги кенг миқёсли ислохотлар ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон – Япония ҳамкорлигида улкан ишлар амалга оширилганини қайд этиб, айна вақтда бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам мавжудлигини таъкидлади ҳамда қатор тақлифларни илгари сурди.

Президентимиз Ўзбекистон – Япония аъло дўстлигининг рамзи сифатида мамлакатимизда ўзбек ва япон тилларида чоп этилган бир қанча китоб ва альбомларни Нагоя университети кутубхонасига тақдим этди.

Шу ерда Шавкат Мирзиёев Нагоя шаҳрида таълим олаётган ва фан билан шуғулланаётган ватандошларимиз билан учрашди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида Нагоя университетининг Ўзбекистон – Япония талабаларининг академик форуми ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев куннинг иккинчи ярмида Токио шаҳрига келди.

«Ханэда» халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Япония таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар, таълим тизимини тиклаш масалалари вазири Хагида Коичи, Япония Ташқи вазир вазирлигининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Хидеки Уяма ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Токио шаҳридаги Акасака қароргоҳида Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири Таро Асога қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Олий даражадаги ташриф арафасида икки мамлакатнинг кўп сонли компания ва банклари иштирокида ўтган бизнес-форумнинг юқори натижалари юксак баҳоланди.

Учрашувда инвестициявий, технологик, молиявий ва молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари сурди истиқболлари муҳокама қилинди.

Ташриф давомида солиқ соҳаси ва боғхона иши бўйича имзоланаётган икки томонлама битимлар аҳамияти қайд этилиб, бу узоқ муддатли ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиши таъкидланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва молия тизимини ислох этишининг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония парламентининг «Ўзбекистон – Япония» дўстлик лигаси вакиллари билан учрашди. Тадбирда ушбу лиганинг қатор аъзолари, жумладан, унинг раиси

– Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири Таро Асо иштирок этди.

Парламентлараро алоқалар кўп қиррали Ўзбекистон – Япония ҳамкорлигига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасида алоқалар 1993 йилда ўрнатилган. Япония парламентининг «Ўзбекистон – Япония» дўстлик лигаси ташкил этилган. Унинг таркибига таниқли сиёсат арбоблари, депутатлар, дипломатлар, энг асосийси, мамлакатимизнинг чинакам ва ишончли дўстлари кирди.

Мулоқот чоғида икки мамлакатнинг амалий ҳамкорлигини кенгайтириш, Ўзбекистон ва Япония халқлари дўстлигини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ҳозиргача парламентлараро форумнинг иккита қўшма мажлиси бўлиб ўтган. Унинг учинчи мажлисини Тошкентда ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Токио шаҳрида Япония ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув ўтказди. Унда JETRO, JICA, JABIC, NEDO, JOGMEC, Mitsubishi, Itochu, Sumitomo, Marubeni, Isuzu каби корпорация ва компаниялар, молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Учрашув аввалида 16 декабрь кун Токиода бўлиб ўтган Япония – Ўзбекистон бизнес-форуми натижалари ҳақида ахборот берилди.

Президентимиз Япония компаниялари ва молиявий тузилмаларини Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга фаол иштирок этишга тақлиф қилди.

– Япония – бизнинг стратегик шерикимиз. Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари ва инфраструктуранинг модернизация қилиш бўйича ҳамкорликда кўп ишлар қилинди. Биз бу алоқалар тарихида янги саҳифа очиш ниятида келдик. Савдо, энергетика, геология, кимё, транспорт, туризм, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида имкониятлар, янги лойиҳалар кўп, – деди Шавкат Мирзиёев.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар фаол жалб этилмоқда. Хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Улар фаолиятини рағбатлантириш ва химоя қилиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бизнесни ривожлантириш йўлидаги турли тўсиқларга барҳам берилди, ташқи савдо ва боғхона-тариф назорати сезиларли даражада қисқартирилди.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган ушбу янгиланишлар натижасида Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш – 2020» рейтингинида Ўзбекистон кейинги бир неча йил ичида 100 поғона кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади ҳамда йиғирмада энг намунали ислохотчи давлат қаторига кирди. Янги корхона очиш қулайлиги бўйича мамлакатимиз илк бор дунёда саккизинчи ўринни эгаллади.

Президентимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар орта қайтасини, иқтисодиёт изчил модернизация қилинишини таъкидлади.

Япониялик тадбиркорлар юртимиздаги ўзгаришларни юқори баҳолади. Валюта тизимининг либераллаштирилиши, виза олиш тартибининг соддалаштирилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун қўлай имкониятлар яратганини таъкидлади. Улар Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифи икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янги мазмун билан бойитишига ишонч билдирди.

Учрашувда икки мамлакат компаниялари ва молиявий ташкилотлари ўртасидаги шерикликни янада ривожлантириш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, ўзаро товар етказиш ва хизмат кўрсатиш ҳажминини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ
Япония.

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ОЧИҚДИР

Меҳнат муносабатлари муҳокамаси

Ўзбекистон улкан минерал-хомашё ресурсларига эга бўлиб, олтин, уран, мис, калий тузлари, фосфоритлар каби фойдали қазилмалар захиралари буйича дунёдаги ўн таққиб давлат қаторида қайд этилади. Биз биргаликда илгор япон технологиялари ёрдамида уларни янада чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашга эришишимиз мумкин.

Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган барча давлатлар ва компанияларни қизиқтирадиган бир савол билан мурожаат қилишга руҳлат этсангиз: мамлакатда кенг миқёсдаги ислохотлар давом эттириладими, кейинги таркибий ўзгаришлар қандай бўлади?

Кўп йиллар давомида тўлланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, халқаро майдонда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардорлигини таъминлаш учун 2017 йилдан эътиборан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича кенг қўламли ислохотларни бошладик. Иқтисодиётни либераллаштириш ишлари ва маъмурий ислохотлар босқичма-босқич амалга оши-

рилмоқда, миллий валютанинг эркин конвертацияси жорий этилди.

Биз рақобат ва тadbиркорликни янада ривожлантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг қатъий кафолатлари, мазкур соҳада очкилик ва шаффофликни таъминлаш, бизнес ва сармоа муҳитини яхшилашга муҳим аҳамият қаратмоқдамиз. Буларнинг барчаси, жумладан, Ўзбекистоннинг ЖСҲга аъзо бўлишига қаратилган.

Биз хорижий инвесторларнинг қўллаб-қувватлашдан умидворимиз. Ҳукуматимиз хорижий инвестицияларни имкон қадар ҳимоя қилиш ва Ўзбекистонга сармоалар оқимини кенгайтириш мақсадида ишончли рағбатлантириш омилларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги демократик ислохотлар орта қайтмайдиган даражада муқаррар тус олди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор. Чунки, бу ислохотлар бизнинг миллий манфаатларимизга, халқимизнинг орзу-интилишларига мос келади.

2016 йилда мамлакат Президент лавозимига сайланганингиздан сўнг Сиз ҳокимиятни демократлаштириш ва унинг очкилигини таъминлаш сиёсатини амалга оши-

ришга киришдингиз. Ушбу сиёсат давом эттириладими ва шу жиҳатдан қараганда, бўлажак парламент сайловларининг аҳамияти нимадан иборат?

Давлат раҳбари сифатидаги фаолиятимизнинг илк кунларидан бошлаб жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатнинг янгилаш ва модернизация қилинишига биринчи даражада аҳамият қаратиб келмоқдамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон виза режими энг либерал давлатлар рўйхатида МДҲ ҳудудида иккинчи ва Марказий Осиёда биринчи ўринда туради. Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизга 86 та давлат фуқаролари кириш визасини олмасдан келиб-кейтиши мумкин.

Бугун Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Биз, албатта, ёш авлод ҳақида ҳар томонлама гамхўрлик қиламиз.

Бўлажак парламент сайловлари миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши йўлидаги яна бир амалий қадам бўлади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатда қандай тамойилларга таянади?

Бизнинг мақсадимиз – халқаро майдонда, жумладан, жаҳон ҳўжалик муносабатларида муносиб ўрин эгаллашдан иборат. Ўз-ўзидан равшанки, ташқи сиёсатимизнинг бош устувор йўналиши – Марказий Осиё минтақасидир. Сўнгги уч йил мобайнида Марказий Осиёда мулақо янги сиёсий муҳит шаклланди, ўзаро сиёсий ишонч сезиларли даражада орди, кооперация билан ўзаро алоқалар фаоллашди.

Минтақамизда барқарорликни таъминлаш қўшни Афғонистонда тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Евроосиёнинг транспорт-транзит ва ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга қаратилган халқаро ташаббусларни қўллаб-қувватлашимиз, минтақамиз орқали Шарқдан Ғарбга ва Шимолдан Жанубга ўтайдиган мавжуд транспорт ва иқтисодий коридорларни мустаҳкамлаш ва янгиликларни яратиш тарафдоримиз.

Биз барча шерик давлатлар – Россия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Европа давлатлари ва муслмон дунёси мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдоримиз.

Сайлов жараёнида кузатувчилар, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳуқуқ ва бурчларини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакат Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ҳисобланади.

Сайлов кодексига кузатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган: улар сайлов комиссиялари йиғилишларида ҳамда номзодлар, сайловчилар билан номзодлар учрашувларида иштирок этиш; тайёргарлик ишларини кузатиш учун сайлов участкасида бўлиш; сайлов комиссияларининг овозларини ҳисоблаш ва протоколларини тузишда қатнашиш; сайлов натижалари бўйича тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган сайлов на-

сайлов кодексининг 34-моддасида белгиланган. 37-моддага кўра, сиёсий партиялар Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгаш депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун уларнинг сайлов комиссияси йиғилишларида иштирок этиш учун ваколатли вакил тайинлаш, ҳужжатларни тақдим этиш, имзо рўйхатларининг тўғриватлигини текшириш, сайлов участкасида овозларни ҳисоблаш ҳуқуқига эга бўлиш, сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган сайлов на-

сайлов кодексининг 34-моддасида белгиланган. 37-моддага кўра, сиёсий партиялар Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгаш депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун уларнинг сайлов комиссияси йиғилишларида иштирок этиш учун ваколатли вакил тайинлаш, ҳужжатларни тақдим этиш, имзо рўйхатларининг тўғриватлигини текшириш, сайлов участкасида овозларни ҳисоблаш ҳуқуқига эга бўлиш, сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган сайлов на-

Сайлов – 2019

Хорижий мамлакатлар қонунининг бошқа ислохотларини ёритишларини таъминлаш учун оммавий ахборот воситалари вакиллари билан сайлов жараёнидаги мақоми, ҳуқуқ ва бурчлари турлича тартибга солинади. Масалан, Россияда журналистларнинг сайловларни ёритишдаги фаолияти Қонунчилик даражасида белгилаб қўйилган. Норматив ва маслаҳат вазиёларини Россия Федерацияси МСК бажаради. Белгияда сайлов кампанияларини ёритишда журналистларнинг фаолияти Қонунчилик билан чекланмайди, журналистлар журналистик ахлоқ кодексига ҳам амал қилади. Швецияда эса сайлов жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ёритишдаги тартибга солувчи Низом йўқ.

Сайлов жараёнларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг иштироки ва масъулияти масалалари халқаро ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Копенгаген ҳужжатининг 7.8-бандида давлатлар партиялар сайлов жараёнида иштирок этишни истаган барча сиёсий гуруҳлар ва шахсларга зиён етказмасдан оммавий ахборот воситаларидан тўсиқсиз фойдаланишда қонуний ёки маъмурий тўсиқлар бўлмаслиги таъминланади.

Сирасини айтганда, мазкур жараёнлар сайловларнинг адолатли, шаффоф ва холис ўтишида муҳим омил бўлади. Бу эса, ўз навбатида, демократиянинг ёрқин кўринишидир.

Ҳамдамбек ОТАЖОНОВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи

Маълумки, очкилик ва ошқоралик сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнининг энг муҳим тамойилларидир. Шу муносабат билан Сайлов кодексининг 8-моддаси сиёсий партиялар кузатувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тadbирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш учун биноларга кириш ва овозларни санаб чиқиш чоғида иштирокини кафолатлайди.

Сайлов кодексининг 33-моддасига мувофиқ, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари ўз фаолиятларини тегишли сайлов комиссиялари томонидан берилган маъмурий асосида амалга оширадilar.

Барча кузатувчилар (маҳаллий ва бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари) тенг ҳуқуқ ва бурчларга эга. Маъмурий бериш жараёнидаги ягона фарқ хусусан, фақат бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларига маъмурий Марказий сайлов комиссияси томонидан берилди.

ШАФФОФЛИК ВА АДОЛАТ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

Кузатувчилар, сиёсий партиялар ваколатли вакиллари ва журналистларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида

тижалари нухасини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бироқ, кузатувчиларнинг сайловчи сайлов бюллетенида ўз белгиларини киритаётганда яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида бўлиши; фуқароларга таъсир қилиш, ҳар қандай кампания материалларини ёки адабиётларни тарқатиш; сайловчиларга овоз беришда қандайдир ёрдам кўрсатиш ёки сайловчиларга ёрдам беришни сўраш; сайлов комиссиясининг фаолиятига аралашуш, шу жумладан, сайлов қутиларини ёпиш, уларнинг очилиши, овоз бериши таққиланади.

Юқоридаги қоидаларнинг барчаси ушбу соҳадаги энг муҳим халқаро ҳужжатларга тўлиқ мос келади.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ҳуқуқий мақоми

кампанияси мураккаб ташкилотчилик, аниқлик ва муайян қоидаларга амал қилишни талаб этади. Уларни ёритишда ҳам худди шундай: ОАВ вакиллари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга. Шу муносабат билан сайлов кодексининг 35-моддасида оммавий ахборот воситалари вакилларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тadbирларни ёритиш, сайлов куни сайлов участкаларида, жумладан, овозларни санаб чиқиш чоғида иштирок этиш ҳуқуқи берилган.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий принциплари ва кафолатларини белгилувчи нормалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Асосий Қонуннинг 29-моддаси ҳар бир инсоннинг фикр, сўз

оммавий ахборот воситалари вакиллари эса Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтказилиши шарт.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тadbирларни ёритиш оммавий ахборот воситаларидан алоҳида ёндашушни талаб қилгани сабабли, Президентнинг 06.11.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини тақомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тadbирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси манфаатдор вазиёликлар ва идоралар билан биргаликда сайловга тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтказиш, ОАВларнинг сайловда тарғиботида қатнашиш, сайлов жараёнида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун семинар-тренинг ўтказиши.

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KOC'HMAS MULK FINANS INVEST»

масъулияти чекланган жамияти очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига «OZBEKTELEKOM» АК Бухоро филиалининг 16.12.2019 йилдаги 45-01-24/2663-сонли буюртма-хатига асосан филиал ҳисобидаги Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган қуйидаги КТС бинолари қўйилмоқда:

1-ЛОТ. Ғиждувон тумани «Погагар» ҚФЙ, Тўқол қишлоғи манзилида жойлашган, умумий ер майдони 80,0 кв.м., қурилиш ости майдони 54,8 кв.м.дан иборат Ибн Сино номли КТС биноси.

Бошланғич баҳоси – 40 228 990 сўм.

2-ЛОТ. Ғиждувон тумани «Пахтабод» ҚФЙ, Сайдон қишлоғи манзилида жойлашган майдони 61,32 кв.м.дан иборат «Пахтабод» КТС биноси.

Бошланғич баҳоси – 46 881 000 сўм.

3-ЛОТ. Ғиждувон тумани «Соктаре» ҚФЙ, Соктаре қишлоғи манзилида жойлашган майдони 46,8 кв.м.дан иборат Ф.Хўжаев номли КТС биноси.

Бошланғич баҳоси – 41 197 100 сўм.

4-ЛОТ. Бухоро тумани Сохибор ҚФЙ, Олмазор қишлоғи манзилида жойлашган майдони 53,5 кв.м.дан иборат С.Едгоров номли КТС биноси.

Бошланғич баҳоси – 49 112 600 сўм.

5-ЛОТ. Когон тумани «Беклар» ҚФЙ, Беклар қишлоғи манзилида жойлашган майдони 39,94 кв.м.дан иборат 3.Қоблонов номли КТС биноси.

Бошланғич баҳоси – 40 244 400 сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2020 йил 21 январь куни соат 11:00да Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

2020 йил 21 январь куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2020 йил 28 январь ва 4 февраль кунлари ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари – 2020 йил 21 январь кунидаги савдо учун 20 январь кунига қадар, 2020 йил 28 январь кунидаги савдо учун 27 январь кунига қадар, 2020 йил 4 февраль кунидаги савдо учун 3 февраль кунига соат 10:00 дан 16:00га қадар қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик).

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси

кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

- «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закалат пуллари тўлашлари;
- жисмоний шахслардан паспорт нухаси;
- юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нухаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралди.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KOC'HMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 304815549, МФО: 00452, АТБ «Кишлоқ қурилиш банк» Тошкент шаҳри минтақавий филиали, х/р: 20208000900759233001.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй. **Тел:** +998 90 299-82-92. **E-mail:** mkmfi@mail.ru. **«Аукцион ташкилотчиси»** – «KOC'HMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти.

Лицензия № RR-0297

Ҳурматли ишбилармон ва тadbиркорлар!

МЧЖ шаклидаги «Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ кимовши савдоларига таклиф этади!

Очиқ кимовши савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул Қўшинлари 7531 ҳарбий қисмига қарашли бўлган бузилган бинолардан олинган, эски, муддати ўтган 5000 дона ғишлар.

Бошланғич нархи – 1 720 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йилнинг 30 декабрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Суғдиёна кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокимлигига қарашли бўлган, 2017 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 01 836 SEA бўлган, «Нексия 3» (авариявий ҳолатда кузов, двигатель, қоробка, салон қисмлари яроқсиз ҳолатда, таъмирталаб, носоз ҳолда, кузов янги қўйиш керак ва автотранспорт воситасини сақлаш жараима майдончасида юзага келадиган барча харажатларни харидор ўз ҳисобидан амалга оширади) русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи – 16 031 000 сўм.

Аукцион савдолари бўйича аукцион савдолари 2020 йилнинг 21-, 28 январь ва 4-, 11 февраль кунлари соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

нада бўлиб ўтади.

Мазкур автотранспорт 2020 йил 21 январь кунги аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунлариде ўтказилишини маълум қиламиз.

Талабгорлар савдо ташкилотчисига савдода қатнашиш учун юзага келадиган барча харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширадilar.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини КТИАСнинг ҳисобрақамига (х/р: 20208000904929477001, банк: АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО: 00425, СТИР: 302074183, ОКОНХ 83200) тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30дан 16:00гача қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимовши савдоси ўтказилишига бир иш кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳари, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. **Телефонлар:** +99871 249-54-59.

Хизматлар лицензияланган.

Эълонлар

